



АГРОСАНОАТ КЛАСТЕРЛАРИНИ ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

¹Юсупов Мухиддин Соатович

²Исмоилова Гулчирой Толлибой қизи

¹Тошкент давлат иқтисодийёт университети докторанти (DSc),
доцент, PhD E-mail: 1969msyusupov@gmail.com

²Тошкент давлат иқтисодийёт университети таянч докторанти
(PhD) E-mail: gulchiroy836@gmail.com
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7016262>

ARTICLE INFO

Received: 16th August 2022

Accepted: 20th August 2022

Online: 23rd August 2022

KEY WORDS

озиқ-овқат таъминоти
ва хавфсизлиги; қишлоқ
хўжалиги хомашёси;
бирламчи ва чуқур қайта
ишлаш; қўшилган қиймат
занжири; агросаноат
кластери; кластер
ядроси; хомашё етказиб
берувчилар; хизмат
кўрсатиш; илм-фан;
институционал
тузилмалар

Кириш

Сўнги йилларда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш занжирида юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш аҳамияти ортиб бормоқда. Шу муносабат билан республикамызда фермер хўжаликларининг қайта ишлаш саноати корхоналари билан чуқур ҳамкорлигини таъминлашга қаратилган “агросаноат кластерлари”ни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Кластер ва манфаатдорлик -

ABSTRACT

Мақолада агросаноат кластерларини озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги аҳамияти ва уларни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг келажаги. Илм-фан ва инновацияларни жорий этмай туриб, бу соҳани рақобатбардош қилиб бўлмайди” [1].

“2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистонни тараққиёт стратегияси”да янги ва фойдаланишдан чиққан ерларни ўзлаштириш ва кластерларга очиқ танлов асосида ажратиш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш даражасини ошириш ва уларнинг нархлари барқарорлигини сақлаш каби бир қатор вазифаларни амалга ошириш белгилаб берилган [2].



Мазкур вазифалардан келиб чиқиб республикамызда озиқ-овқат таъминоти занжирида агросаноат кластерларини ривожлантиришнинг назарий-услубий асослари ҳамда ташкилий-иқтисодий механизмларини тадқиқ этиш зарурати ортиб бормоқда.

Адабиётлар таҳлили

Тадқиқотларга кўра кластер, жумладан агросаноат кластерини назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш юзасидан бир қатор хорижлик ва мамлакатимиз олимлари илмий изланишлар олиб боришган. Айнан “кластер” атамаси фанга иқтисодий категория сифатида XX-асрнинг 80-йилларида Майкл Портер томонидан киритилган ва унга қуйидагича таъриф берилган: “Кластер – географик жиҳатдан бир жойда тўпланган ўзаро туташ соҳаларда фаолият кўрсатувчи компаниялар (хомашё етказиб берувчилар, ишлаб чиқарувчилар, хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар) ҳамда уларга алоқадор ташкилотлар (инфратузилмалар, университетлар, илмий тадқиқот муассаса-лари, технопарклар, тармоқ бирлашмалари, давлат бошқаруви органлари) гуруҳи бўлиб, улар ўзаро бир-бирини тўлдиради ва кластер ёки унга кирувчи алоҳида компания рақобат устунлигини оширади” [3].

Европа Комиссиясининг Корхоналар Бош директорати (Enterprise Directorate General of EU) таърифига кўра кластер деганда “мустақил компаниялар гуруҳи ва улар билан боғлиқ ташкилотлар назарда тутилиб, улар: биринчидан, рақобатлашади ва ҳамкорлик қилади; иккинчидан, географик жиҳатдан бир/бир нечта худудда тўпланган;

учинчидан, аниқ бир фаолият соҳасига ихтисослашган ҳамда ягона кўникмалар ва технологиялар билан боғланган; тўртинчидан, институционал тузилмага эга (бошқарув органи мавжуд) ёки эга эмас” [4].

Л.С.Марков фикрича “кластер бу - ўзаро боғлиқ ва алоқадор тармоқлар хўжалик юритувчи субъектларининг маълум мақсад йўлида ягона ташкилий тузилма ва технологик жараёнга бириккан жамланмаси” [5].

Т.А.Зубованинг таъкидлашича “кластер - ишлаб чиқаришнинг худудий (географик) жиҳатдан туташ жойлашуви; кластер иштирокчиларининг бир ёки бир нечта маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашуви; кластер ичида рақобатни бошқариш мумкинлиги; бир кластер доирасида турли тармоққа мансуб корхоналар фаолият кўрсатиши эвазига “қўлам самараси”ни таъминлаш имконияти” [6].

А.А.Настинга кўра “агрокластер бир вақтда ва ўзаро ҳамкорликда ишлаб чиқариш вазифаларини бирлашиб ҳал қилиш мақсадида географик жиҳатдан бир жойда жойлашган, ўзаро бир-бирига боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи, турли мулк эгалари – оилавий ферма, фермерларнинг кооператив корхоналари, ижтимоий ва илмий ташкилотлар, таълим муассасалари ва маслаҳат хизматларидан иборат бозор субъектлари тизими” [7].

Тадқиқот методологияси

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва саноат кўламида чуқур қайта ишлаш занжирида агросаноат кластерларини ривожлантириш соҳасида тадқиқотлар олиб борган



хорижий олимларнинг илмий ишлари мазкур тадқиқотнинг назарий-услубий асосларини ташкил этади. Тадқиқотда абстракт ва аналитик мушоҳада, норматив ва позитив таҳлил, қиёсий ва омилли таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Мақолани тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, АҚШнинг Калифорния виночилик кластери, Бухоро вилоятида ташкил этилган “ВСТ CLUSTER” (BUKHARA COTTON TEXTILE CLUSTER”) МЧЖ агросаноат кластери, илмий тадқиқот муассасаларининг ишланмалари ва бошқалардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Илмий тадқиқотлар шуни тасдиқлайдики, агросаноат кластерлари ишлаб чиқариш кучларининг тарихий-эволюцион ривожланиши туфайли юзага келган объектив иқтисодий жараён бўлиб, у ижтимоий меҳнат тақсимоти, кооперация, ишлаб чиқариш концентрациялашуви ва ихтисослашуви ҳамда рақобатбардошликни оширига интилиш маҳсулидир.

Муайян ҳудуд ёки туташ ҳудудларда жойлашган ҳамда бир турдаги хомашёни ишлаб чиқариш ва қайта ишлашга ихтисослашган корхоналарнинг ўзаро ягона технологик занжирга бирлашишдан кўзда тутилдиган асосий мақсад меҳнат тақсимоти, ўзаро манфаатли ҳамкорликдаги кооперация, ишлаб чиқариш ихтисослашуви ва концентрациялашувидан олинган синергетик самарадан унумли фойдаланишдир. Бу жараёндаги синергетик самара ишлаб чиқариш кўламини ортишдан маъмурий ва

трансакцион харажатлар тежалиши, қувватлардан тўлиқ ва унумли фойдаланиш имконияти ортиши, ресурслар ва инфратузилмалардан биргаликда фойдаланиш ҳамда йўқотишларнинг камайиши ҳисобига юз беради.

Рақобат соҳасида илмий тадқиқотлар олиб борган машҳур америкалик олим М.Портер АҚШнинг Калифорния узум кластери бўйича олиб борган илмий тадқиқотлари асосида кластернинг аҳамияти ва ҳудудий ривожланишга қўшадиган ҳиссасини қуйидагича таърифлайди: “Кластер рақобатга уч йўл билан таъсир кўрсатади: биринчидан, ҳудуддаги корхоналар ишлаб чиқариш унумдорлигини оширади; иккинчидан, келажакда ишлаб чиқариш унумдорлигини ўсишига асос бўладиган инновацияларни ҳаракатга келтиради ва учинчидан, кластерни мустақамлайдиган ва кенгайтиришга асос бўладиган янги бизнес соҳаларини вужудга келтиради [3].

Кластерга кирган корхоналар ўртасида ўзаро рақобат муҳити мавжуд бўлса-да, шу билан бир вақтнинг ўзида улар ўртасида юқори даражада ҳамкорлик (кооперация) алоқалари ҳам мавжуд. Чунки бунда ишлаб чиқариш жараёни маълум босқичларга ажратилган ва уларнинг ҳар бири учун маълум бир фирма жавобгар ҳисобланади. Бундай ихтисослашувда корхоналар бир-бирларига узвий боғланган бўлади, лекин бу уларнинг ўзаро қарамлигини билдирмайди. Аксинча, ишлаб чиқариш йўналишлари ва шерикларни танлашда тўлиқ мустақиллик таъминланади. Ҳар бир корхона бир-бирисиз фаолият



кўрсатиши қийин бўлган ишлаб чиқариш жараёнининг бир босқичи билан шуғулланади.

Тадқиқотларга кўра муайян ҳудуд ёки тармоқларда кластер шаклланиши учун қуйидаги белги ва шарт-шароитлар мавжуд бўлиши мақсадга мувофиқ:

1. Кластер таркибига кирувчи корхоналар (хомашё етиштириш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш, саралаш ва транспортда ташиш, тарқатиш ва сотиш соҳаларида), уларга хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмалари, давлат органлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг географик жиҳатдан ягона ҳудудда тўпланиши ва концентрациялашуви.

2. Ҳудудда кластерлар ривожланиши учун рақобат устунликлари мавжудлиги: қулай географик жойлашув; табиий-иқлим шарт-шароитлари; моддий хомашё захиралари, малакали меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланиш имкониятлари; хизмат кўрсатувчи ва бозор инфратузилмаларидан бирга фойдаланиш; ўқув ва илмий-тадқиқот муассасалари, лабораториялар, технопарк ва бизнес-инкубаторларнинг ривожланиш ҳолати ва бошқалар.

3. Кластерга кирувчи корхоналар, хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар ва бошқа манфаатдор ташкилотларнинг тармоқ ихтисослашуви ёки технологик жиҳатдан ўзаро боғлиқлиги, бир-бирини тўлдириб бориши ва уларнинг интеграциялашувдан ўзаро манфаатдорлиги.

4. Кластернинг ядросини ташкил этувчи, бутун тизимни ягона қўшилган қиймат занжирига боғлашга қодир

ҳамда кучли ишлаб чиқариш салоҳиятига йирик интегратор фирманинг мавжудлиги (масалан, пахта-тўқимачилик кластерида - тўқув-трикотаж фабрикаси).

5. Кластерга кирувчи тузилмалар орасида ўзаро тенг ҳуқуқли, манфаатли, мустақкам, барқарор горизонтал ва вертикал стратегик хўжалик алоқаларини мавжуд бўлиши ва ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланиши.

6. Ҳудуд ёки тармоқда кластерлар ривожланишини тартибга солиш, ҳуқуқий ва молиявий қўллаб-қувватлаш билан шуғулланувчи давлат ҳокимияти органлари ва мақсадли давлат дастурлари, нодавлат ташкилотлар (уюшмалар, жамоат ташкилотлари, жамғармалар) шаклланганлиги.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, хомашёси етиштириш ва қайта ишлаш технологик занжирида агрокластерларни шакллантириш бир қатор афзалликларга эга. Қуйида кластерлар фаолияти юзасидан илмий тадқиқотлар олиб борган олимларнинг бу борадаги фикрлари келтирилган:

- кластерлар агросаноат мажмуасини ривожлантиришда драйвер вазифасини ўташи мумкин. Улар юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар яратиш орқали фирмаларнинг бозордаги рақобат устунлигини шакллантиришга имкон яратади [4];

- кластерлар “Саноат 4.0” концепцияни амалга жорий этишда етакчи механизмлардан бири сифатида катта салоҳиятга эга. Улар технологик жараёнларни жадаллаштириб, бизнесни рақамли трансформациялашувини таъминлайди. Кластер муҳити билимлар алмашинуви, персонал малакасини ошириш,



ресурслар билан таъминлаш соҳаларида тармоқлараро интенсив алоқаларни таъминлашга кўмак беради [5];

- кластер доирасида ишлаб чиқаришнинг концентрациялашуви ҳудудларнинг барқарор ривожланиши ва рақобатбардошлигини оширишга туртки берувчи синергетик самарани юзага келтиради [6];

- кластерлар янги иқтисодий ўсиш марказларини яратиш орқали мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишига кўмаклашиш ва рақобатбардошлигини ошириш воситасига айланиши мумкин [7];

- кластерда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг барча жараёнлари ягона технологик занжирга бирлашганлиги сабабли фирмалар орасида узоқ муддатли мустаҳкам ва барқарор хўжалик алоқалари шаклланади [8];

- агрокластерларда меҳнат тақсимоти, ҳудудий ва хўжаликлараро ихтисослашув ҳамда меҳнат кооперацияси кучли ривожланган

бўлиб, бу ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга имкон яратади [9];

- агрокластерда якуний маҳсулотни ишлаб чиқарувчи хомашё сифати ва ишлаб чиқаришнинг барча босқичларини назорат қилишдан манфаатдор бўлиб, бу маҳсулотнинг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади [10].

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотларига қараганда 2022 йил 25 июль ҳолатига республикамизда жами 463 та агросаноат кластерлари фаолият юритган бўлиб, уларнинг 122 таси (1033,0 минг гектарда) пахта-тўқимачилик, 146 таси (116,1 минг гектарда) мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш, 35 таси (43,4 минг гектарда) шолчилик ва 157 таси (1038,0 минг гектарда) (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистонда агросаноат кластерларини тармоқ йўналишлари бўйича ихтисослашуви, (2022 йил 25 июль ҳолатида)

№	Ҳудудлар номи	Кластерлар сони	Бириктирилган ер майдони, минг га
1.	Пахта-тўқимачилик (текстиль)	122	1033,0
2.	Мева-сабзавотчилик	146	116,1
3.	Дончилик	157	1038,0
4.	Шолчилик	35	43,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумоти асосида тузилган

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва саноат усулида қайта ишлашга ихтисослашган агрокластерда қўшилган қиймат яратиш занжири 4 босқичдан иборат бўлади.

Биринчи босқичда фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликлари ҳамда кластернинг ўзига бириктирилган ер майдонларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (хомашё) етиштирилади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини (хомашёни) етиштирувчи хўжаликлари



кластернинг ядроси бўлган интегратор фирма (одатда қайта ишловчи саноат корхонаси) билан горизонтал ёки вертикал интеграция орқали шартномавий муносабатларга эга бўлади.

Иккинчи босқич кластернинг ядроси саналади ва бу босқичда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан шартномалар асосида етказиб берилган хомашё саноат корхонаси томонидан дастлабки ва чуқур қайта ишлаш жараёнларидан ўтади. Бу босқичда етказиб берилган хомашё тайёр маҳсулот кўринишига келтирилиб, қўшилган қиймат ортади.

Учинчи босқичда саноат корхонаси томонидан қайта ишланган ва тайёр маҳсулотга айлантирилган товарлар стандартлаш ва сертификатлаш, саралаш, калибрлаш, қадоқлаш, маркировкалаш ҳамда сотиш каналларига етказиб бериш (логистика) жараёнларидан ўтиб, қўшилган қиймат суммаси яна ортади.

Тўртинчи босқичда тайёр маҳсулот ички ва ташқи бозорларда реализация қилиниб, якуний

истеъмолчига етказилади. Бу босқичда ҳам маҳсулотга маълум бир қиймат қўшилади ва буларнинг барчаси қўшилган қиймат занжирини ташкил этади.

Юқорида келтирилганлардан маълумки, агрокластернинг ташкилий-функционал тузилмасида кластер ядроси ҳамда уни ўраб турувчи ички ва ташқи муҳит фарқ қилади:

1. Кластер ядроси – якуний маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ва унинг атрофида кластер ҳосил қилувчи тузилмалар уюшадиган объект. Одатда у қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бирламчи ва чуқур қайта ишлаш билан шуғулланувчи саноат корхонасидан иборат бўлади.

2. Кластер ядросини ўраб турувчи “тўлдирувчи объектлар – (ички муҳит)” – улар кластер ядроси саналадиган қайта ишлаш корхонаси билан шартнома асосида стратегик ҳамкорлик қилувчи ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб берувчи фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликлари, сақлаш омборхоналаридан ташкил топади.

3. Кластерни ўраб турувчи ташқи муҳит учта блокдан шаклланади (1-расм):



1-расм. Кластер тизимида ташқи муҳит тузилмалари

Манба: муаллифлар ишланмаси

1-хизмат кўрсатиш блоки: кластер тузилмаларига моддий-техник ресурслар етказиб бериш, турли иш ва хизматлар кўрсатиш ҳамда молиялаштириш билан шуғулланувчи инфратузилмалар.

2-илмий тадқиқот блоки: университетлар, илмий-тадқиқот институтлари ва марказлари, инжиниринг ва инновацион тузилмалар, касб-хунар коллежлари, малака ошириш ва касб ўргатиш курслари, семинар-тренинглар ва бошқа.

3-блок: кластер фаолиятини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш билан машғул маҳаллий, марказий даражадаги давлат бошқаруви органлари ва институционал тузилмалар (уюшмалар, жамғармалар, кенгашлар).

Келтирилган маълумотлардан маълумки, кластер тизимида хомашё етказиб бериш ва қайта ишлаш корхоналари ҳамда хизмат кўрсатиш инфратузилмаларидан ташқари илмий тадқиқот муассасалари (университетлар, илмий марказлар, венчур фондлар ва фирмалар, стартап лойиҳалар ва бошқа) ва кластерни қўллаб-қувватловчи институционал тузилмаларнинг (уюшмалар, жамоат фондлари, Фермерлар кенгаши, Савдо-саноат палатаси ва бошқа) иштирок этиши ўта муҳим саналади.

Мисол тариқасида пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятида Пахтачилик илмий тадқиқот институти, Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институти, Текстил ва енгил саноат институти каби илмий муассасаларнинг иштироки қуйидаги



масалаларни самарали ҳал этишда кластерга қўмаклашиши мумкин:

- ғўза навларини ҳар бир туманнинг табиий-иқлим шароити ва тупроқ таркибидан келиб чиқиб илмий жойлаштириш ва районлаштириш;

- ҳосилдор, касалликларга чидамли ва сифатли ғўза навларини яратиш;

- минерал ва органик ўғитлар ҳамда кимёвий ҳимоялаш воситаларидан фойдаланишнинг рационал миқдори ва муддатларини белгилаш;

- пахта тозалаш ва текстил корхоналарини оптимал жойлаштириш (хомашё ва яримфабрикатларни ташиш харажатларини тежаш имконини беради);

- янги инновацион маҳсулот турларини яратиш ва ўзлаштириш;

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришнинг замонавий усулларини жорий этиш ва бошқалар.

Кўзатишларга кўра республикада фаолият кўрсатаётган аксарият кластерлар тизимида илмий тадқиқот муассасалари ва инновацион венчур фондлар иштирок этмаяпти. Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Савдо-саноат палатаси каби нодавлат тузилмалар иштироки эса деярли сезилмайди. Ривожланган мамлакатларда кенг тарқалган кластерни қўллаб-қувватлаш бўйича махсус фондлар, уюшмалар (масалан, мева-сабзавотчилик, ғаллачилик ва гўшт-сут йўналишидаги кластерлар уюшмаси мавжуд эмас), жамоат ташкилотлари, инновацион марказлар жуда суст ривожланган. Шунингдек, стратегик аҳамиятга эга соҳаларда давлат-хусусий шериклиги асосида қайта ишлаш корхоналари, сақлаш ва логистика тизимлари барпо этиш механизми шаклланмаган. Масалан, Жанубий Кореянинг “Foodpolis” кластерида тайёр завод цехлари ва омборларини кичик корхоналарга ижарага бериш амалиёти йўлга қўйилган.

Республикада агросаноат мажмуасида кластерларни шакллантириш жараёни 2018 йилдан бошланганини эътиборга олсак, бу борада етарли тажрибамиз йўқлигини эътиборга олишимиз лозим. Хусусан, янги ташкил этилаётган агросаноат кластерларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини танлаш масаласи долзарб масалалардан саналади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, республикадаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш занжирида агрокластерларнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан қуйидаги шакллари фаолият кўрсатмоқда:

1. Ўзига бириктирилган ер майдонида ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклини ўзлаштирган (хомашё етиштириш ва қайта ишлашдан токи тайёр маҳсулот яратишгача жараёнларни ўзи бажарадиган) мустақил агрокластерлар. Бу турдаги кластерлар таркибда шартнома асосида хомашё етиштириб берувчи мустақил фермер хўжаликлари мавжуд бўлмайд.

Масалан, Бухоро вилоятида ташкил этилган “BCT CLUSTER” (BUKHARA COTTON TEXTILE CLUSTER) МЧЖ агросаноат кластери таркибда пахта хом ашёсини етиштирувчи хўжаликлар, пахта хомашёсини қабул қилувчи пунктлар ва қайта ишловчи завод, текстиль ва тикувчилик корхоналари, ғўзапояни қайта ишловчи завод, пахта хом ашёсининг иккиламчи маҳсулотларини (линт, момиқ) қайта ишловчи корхоналар, уруғликни қайта ишловчи корхона ҳамда ундан чиққан чиқиндиларни (БГУ) қайта ишловчи заводдан ташқари “Ғиждувон” ЭИХдаги чорвачилик мажмуи доирасида пахта хомашёсини қайта ишлашдан олинган шелуха ва шрот маҳсулотларидан унумли фойдаланган ҳолда гўшт ва сут етиштириш, шунингдек чигитни қайта ишлаш асосида совун ва ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш ҳам ягона технологик занжирга боғланган ва бу тизим занжирда қўшилган қийматнинг ортиб боришига имкон яратади.

“BCT CLUSTER” пахта-тўқимачилик кластерига 8,0 минг



гектар экин майдани бириктирилган бўлиб, унинг иссиқхонасида помидор, бодринг, турли кўчатлар ва кўчатлар ҳам етиштирилади.

2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бошқа мустақил ишлаб чиқарувчилардан (фермер, деҳқон хўжаликлари ва бошқ.) шартнома асосида сотиб олиб қайта ишловчи агрокластерлар. Бу хилдаги кластерларнинг айримларида хомашё етиштириш учун ажратилган ер майдонларининг бир қисми ўзига, бир қисми эса мустақил фермер хўжаликларига тегишли. Бошқа бирларида ўзида ер майдони мавжуд бўлмай, хомашёни тўлиқ шартнома асосида мустақил фермер хўжаликларидан сотиб олади.

Кузатишларга кўра айнан шу турдаги кластерларда кластер таркибига кирувчи хомашё етиштириб берувчи фермер хўжаликлари ва кластернинг ядросини ташкил этувчи фирма билан ўзаро шартномавий алоқаларни йўлга қўйишда бир қатор муаммолар кузатилмоқда. Жумладан:

2.1. Ҳозирги кунда кластернинг ядроси саналадиган фирма асосан масъулияти чекланган жамият (МЧЖ) ёки хусусий корхона (ХК) сифатида фаолият олиб бормоқда. Кластерга бириктирилган фермер хўжаликлари ҳам юридик жиҳатдан мустақиллигини сақлаб қолган. Аммо ишлаб чиқариш технологик занжирининг барча босқичлари кластернинг ядроси бўлган фирма (кўпинча қайта ишлаш корхонаси) томонидан бошқарилиб, назорат қилинмоқда. Фермер хўжаликлари томонидан қишлоқ хўжалиги экинларини экиш, парваришlash ва хомашёни етказиб бериш жараёнлари ҳам шулар жумласидан. Натижада қонунчилик бўйича юридик жиҳатдан мустақил саналадиган фермер хўжаликлари кластерга қарам хўжаликка айланиб қолмоқда.

2.2. Аввалги тартиб бўйича давлат буюртмаси бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни молиялаштириш учун Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан ажратиладиган имтиёзли кредитлар шартнома асосида тўғридан-тўғри фермер хўжаликларига ажратилар эди. Амалдаги тартибга кўра эса бу турдаги имтиёзли кредитлар кластернинг ядроси бўлган қайта ишлаш саноат корхонасига ажратилмоқда ва у фермер хўжаликларини уруғлик, кўчат, минерал ўғитлар ва бошқа моддий ресурслар билан таъминлаш, ер ҳайдаш, экинларга ишлов бериш, ҳосилни ўриб-йиғиб олиш каби хизматларни кўрсатмоқда.

Бу ҳолатда бир қарашда фермер хўжаликлари моддий техника таъминоти, турли ишлар ва хизматларни бажаришга турли фирмаларни жалб этиш ҳамда ҳақ тўлаш билан боғлиқ ортиқча ташвишлардан озод бўлгандек кўринади. Аммо кластер фермер хўжаликларидан хомашёни (қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини) паст нархларда қабул қилиб, уларга ўзи етказиб бераётган моддий ресурслар ҳамда кўрсатаётган хизматларига юқори нарх белгилаш орқали фойданинг катта қисмини ўзлаштириш имкониятига эга бўлмоқда. Бу ҳолат фермер хўжаликларининг иқтисодий самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шунингдек, кластер томонидан Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан ажратиладиган имтиёзли кредитлардан мақсадсиз фойдаланиш, яъни кредитни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши харажатларини



молиялаштиришдан бошқа мақсадларга сарфлаш ёки нақдлаштириш ҳолатлари борлигини ҳам эътибордан қочирмаслигимиз лозим. Чунки, баъзи кластерлар ўзининг монополь мавқеидан фойдаланиб фермер хўжаликларига ҳақиқатда етказиб берилган моддий ресурслар (минерал ўғит, ёқилғи ва бошқа) ва кўрсатилган хизматлар ҳажмига нисбатан ортиқ кўрсатилган ҳисоб-варақаларни имзолашга мажбур қилади.

Бундан ташқари молиявий маблағларга эҳтиёж юқори бўлган иш жараёнларида имтиёзли кредитларни фермер хўжаликларига йўналтирмаслик ишлаб чиқаришни моддий ресурслар ва хизматлар билан ўз вақтида таъминлашда қийинчиликларни юзага келтиради (баъзан кластерлар керакли ресурслар ва хизматларни ўз вақтида етказиб бермайди). Шунингдек, ерларни экишга тайёрлаш, экинларни экиш ва парваришлаш, ҳосилни йиғиб олиш жараёнларини ўз техникалари билан амалга оширадиган фермер хўжаликлари имтиёзли кредит ажратилмаслигидан зиён кўрмоқда.

Баъзан кластерлар томонидан фермерларга етказиб берилган хомашё учун пул ўтказиб бериш муддатлари асоссиз равишда чўзилиб кетади. Бу эса фермер хўжаликларининг ишлаб чиқаришни айланма маблағлар билан ўз вақтида таъминлаши ҳамда тўлов қобиллигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги ПҚ-4549-сонли қарори 2-бандида ишлаб чиқарувчиларни кластерларга бириктириш ихтиёрийлик асосида, улар билан қайта ишловчи ҳамда экспортга чиқарувчи ташкилотлар, шунингдек ҳокимият

билан маҳсулот етказиб беришга тузилган шартномалар асосида амалга оширилади деб кўрсатилган. Аммо кўп ҳолатларда маҳаллий ҳокимият томонидан фермер хўжаликларини географик жойлашувидан келиб чиқиб бир ҳудуд доирасида барча фермер хўжаликларини битта кластерга мажбурий бириктириш ҳолатлари кузатилмоқдаки, бу ҳолат уларнинг энг мақбул кластерларни танлаш эркинлигини йўққа чиқармоқда. Бу эса бозор иқтисодиётининг асосий тамойилларидан бўлган тадбиркорлик ва танлов эркинлигига зид бўлмоқда.

2.4. Бир ҳудуд доирасида битта ихтисослашган кластер ташкил этиш кластернинг монополь мавқени эгаллашига ва рақобат муҳитини бўғишига олиб келиши шубҳасиз. Бугунги кунда республикада монопольияни чеклаш ва рақобат муҳитини ривожлантириш иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгиланганини эътиборга олсак, кластерлаштириш жараёнлари жойларда монополь тузилмалар кўпайишига олиб келмаслиги керак.

Хулоса ва таклифлар

Кластерлар фаолиятини ривожланган хорижий мамлакатларда эришилган илғор тажрибалар асосида такомиллаштириш ва уларнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида яна қуйидагиларни тавсия этамиз:

1. Фикримизча қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи деҳқон ва фермер хўжаликлари ва қайта ишлаш кластерлари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар ўзаро тенг ҳуқуқлилик ва манфаатдорлик асосида олиб борилиши



ҳамда қуйидаги шартларга мувофиқ келиши мақсадга мувофиқ:

- кластерларга аъзолик ва қайси кластерни танлаш масаласини деҳқон ва фермер хўжалиги мустақил ҳал этиши;

- битта ҳудудда битта кластернинг монопол мавқега эга бўлишига асло йўл қўймаслик.

2. Юқорида келтирилганлардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, агар кластер юридик жиҳатдан мустақил бўлган фермер хўжаликлари ва қайта ишлаш корхонаси (корхоналари) ҳамда хизмат кўрсатувчилар ҳамкорлиги шаклида, шартнома асосида тузилса, бундай кластернинг таркибий ва бошқарув тузилмаси икки усулда ташкил этилиши мумкин:

1-усул. Кластер тизимидаги барча хўжаликлар (хомашё етиштириб берувчи фермер ва деҳқон хўжаликлари) ва корхоналар (қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш йўналишидаги) юридик жиҳатдан мустақиллигини сақлаб қолади ва кластер ядроси саналадиган фирма (масалан, қайта ишлаш корхонаси) атрофида шартномалар асосида уюшади. Бу ҳолатда кластерга кирувчи корхоналар ва хизмат кўрсатувчи фирмалар орасидаги иқтисодий муносабатларни мувофиқлаштириш учун барча иштирокчилар ҳамда институционал тузилмалар (Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Савдо-саноат палатаси, маҳаллий ҳокимият, Кластерлар уюшмаси ва бошқа) вакиллари иборат Кузатув кенгаши шакллантирилади.


Кузатув кенгаши зиммасига қонунчилик тартибида қуйидаги вазибалар юклатилиши жоиз: кластер тизимидаги барча корхона ва хўжаликларнинг ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли шартномавий муносабатлар бажарилишини назорат қилиш; томонлардан бирининг монопол мавқеидан фойдаланиб бошқаларнинг ҳуқуқлари камситилишига йўл қўймаслик; хомашё, ишлар ва хизматларга нарх белгилашда барча томонлар манфаатларини эътиборга олинишини таъминлаш; ўзаро нотўловларнинг олдини олиш ва бошқалар.

Бу ҳолатда Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан пахта хомашёси, дон ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш харажатларини молиялаштириш учун ажратиладиган имтиёзли кредитларни тўғридан-тўғри фермер хўжаликларига ажратишга механизмини қайтадан жорий этиш мақсадга мувофиқ. Бунинг натижасида бир томондан фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқариш харажатларини ўз вақтида ва мақсадли молиялаштириш имкони яратилса, иккинчи томондан ажратилаётган имтиёзли кредитларни мақсадли ишлатилиши устидан самарали назоратни амалга ошириш энгиллашади.

2-усул. Устав капитали кластер иштирокчилар (қайта ишлаш корхоналари, фермер хўжаликлари, моддий таъминоти ва хизмат кўрсатиш корхоналари) улушларининг номинал қийматидан шакллантириладиган кластер. Бу ҳолатда юридик шахс мақомидаги бир нечта мустақил иштирокчилар уюшиб, масъулияти

чекланган жамият (МЧЖ) ёки ширкат шаклида кластер ташкил этади ва кластер устав капиталига улуш киритади. Кластерда иштирокчиларнинг устав капиталдаги улушидан келиб чиқиб қарор қабул

қилинадиган Бошқарув кенгаши тузилади ва қарор қабул қилиш қўшган улушларга мутаносиб овоз бериш асосида амалга оширилади. Энг кўп улуш киритган фирма Бошқарув кенгаши раиси саналади (2-расм).



2-расм. Устав капитали улушларга асосланган кластер бошқаруви тузилиши (шартли рақамларда)
Манба: муаллифлар ишланмаси

Агар кластер устав капиталига унинг иштирокчилари улуш киритса ҳамда улар устав капиталидаги улушига мутаносиб Бошқарув кенгашида овоз бериш ҳуқуқига эга бўлса, кластер тизимидаги барча иштирокчилар манфаатларини эътиборга олиш имконияти яратилади. Бу эса юқорида келтирилгандек кластер ядроси бўлган қайта ишлаш корхонаси манфаатларини бошқа иштирокчилардан устун қўйилишини, айниқса фермер хўжаликлари манфаатларига зиён келтирувчи шартларни мажбуран ўтказишни олдини олади ва қўшилган қиймат занжирида фойдани тўғри тақсимланишига замин яратади.

3. Республикамизда “Агросаноат мажмуаси туташ тармоқларини кластерлаштириш Концепцияси”ни қабул қилиш ва унда ўрта ва узоқ муддатли даврлар учун амалга ошириладиган вазифлар ҳамда эришиладиган мақсадли кўрсаткичларни аниқ белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ.

Концепция доирасида “Республика агросаноат кластерларини комплекс ривожлантириш давлат дастури”ни ишлаб чиқиб, унда: кластерларни республика ҳудудлари бўйлаб районлаштириш ва жойлаштириш йўл харитаси;



ихтисослашуви; кластерга жалб этиладиган корхона ва ташкилотлар ҳамда бошқа тузилмалар рўйхати; кластерларнинг ишлаб чиқариш-ресурс салоҳияти; амалга ошириладиган аниқ лойиҳалар турлари; маҳсулот ишлаб

чиқариш прогноз кўрсаткичлари; жалб этиладиган инвестициялар қиймати, йўналишлари ва манбалари каби мақсадли прогноз кўрсаткичларни киритиш ва амалга ошириш яхши самара беради.

Европа Иттифоқи (Европа кластерлари ҳамкорлиги дастури, Европа кластерларини мукаммалаштириш дастури), Япония (Япония саноатини кластерлаштириш режаси, Хоккайдо саноат кластерлари концепцияси), каби илғор хорижий мамлакатлар бўйича юқорида келтирилган мисолларда бундай тажрибалар кенг қўлланилишига гувоҳ бўлдик. Россия Федерациясининг Брянск областида “2019-2022 йилларда Брянск области ҳудудида агросаноат кластерларини ривожлантириш стратегияси” қабул қилинган ва амалга оширилмоқда. Мазкур стратегия “Брянск бизнес-инкубатори” давлат унитар муассасаси буюртмасига кўра “Брянск давлат муҳандислик-технология институти” олиимлари иштирокида ишлаб чиқилган. Бу стратегия доирасида 2019-2022 йилларга мўлжалланган давлат дастури ҳам қабул қилинган. Бундай ҳужжатлар РФнинг бошқа ҳудудлари бўйича ҳам қабул қилинган.

4. Илғор хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, уларда кластерлар ривожланишига кўмаклашувчи ва уларнинг манфаатларини давлат органлари, бошқа субъектлар олдида ҳимоя қилувчи ва илгари сурувчи кўп сонли институционал тузилмалар (уюшмалар, бирлашмалар, жамоат фондалари ва бошқа) кенг тарқалган.

Республикамызда айнан кластерлар ривожланишини қўллаб-қувватловчи тузилмалар сурут ривожланган, айрим тармоқлар бўйича эса умуман мавжуд эмас. Масалан, республикамызда фақат “Пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси” фаолият кўрсатмоқда. Мева-сабзавотчилик, дончилик, гўт-сут маҳсулотлари ва бошқа тармоқларда кластерлар манфаатларини ҳимоя қилувчи ва илгари сурувчи уюшмалар мавжуд эмас. Шундан келиб чиқиб пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси негизида ягона “Республика агросаноат кластерлари уюшмаси”ни ташкил этиш ва унинг таркибида қуйидаги бўлимларни (департаментларни) шакллантириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: 1) Пахта-тўқимачилик кластерлари департаменти; 2) Мева-сабзавотчилик ва узумчилик (салқин ичимликлар ва ароқ-вино корхоналарини қўшган ҳолда) кластерлари департаменти; 3) Дон ва қандолатчилик маҳсулотлари кластерлари департаменти; 4) Гўшт-сут маҳсулотлари кластерлари департаменти ва бошқалар.

Бундай институционал тузилмалар Европа Иттифоқи, Япония, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатларда кенг тарқалган. Масалан, Япониянинг ҳар бир провенциясида “Кластерлар кооперацияси кенгаши” ва унинг штаби, Россия Федерациясида эса “Кластерлар,



технопарклар ва махсус иқтисодий зоналар ассоциацияси” фаолият олиб боради.

Шунингдек, туман Ҳокимлиги ҳузурида жамоатчилик асосида “Кластерларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш ва қўллаб-қувватлаш Кенгаши”ни тузиб, унинг таркибига ҳокимиятнинг тегишли бўлимлари, Фермер ва деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши, Савдо-саноат палатаси, ўқув

Дания ва Япония тажрибасидан келиб чиқиб, тавсия этилаётган Кенгашлар қошида ҳудудни кластерлаш салоҳияти ҳамда имкониятларини ўрганиш ва бу борада тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳлар тузиш мумкин.

5. Кластерлар юксак тараққий этган илғор хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатадики, “глобаллашув” ва “билимлар иқтисодиёти” шароитида кластерлар инновацион ривожланишнинг энг асосий манбаларидан бири бўлиб бормоқда. Шу сабабли ривожланган мамлакатлар кластерлари таркибида “билим ва инновациялар блоки”, яъни университетлар, илмий тадқиқот муассасалари, синов лабораториялари, венчур фондлар ва стартап

ва илмий муассасалар, тижорат банклари ва бошқа тузилмалар вакилларини киритиш мақсадга мувофиқ. Мазкур Кенгаш бир томондан ҳудудларда кластерларни ривожлантириш бўйича маслаҳатлашув органи вазифасини ўтаса, иккинчи томондан кластер тизимидаги корхоналараро ўзаро тенг ҳуқуқли муносабатларни йўлга қўйишни назорат қилиш вазифасини бажариши лозим.

лойиҳаларнинг иштироки асосий шартлардан бири саналади. Япониянинг кластерлаш сиёсатида ҳар бир кластер гуруҳига учун ихтисослашувидан келиб чиқиб битта ёки бир нечта университет (илмий тадқиқот муассасаси) бириктирилган ва масъул саналади.

Фикримизча, республикамызда шакллантирилаётган ҳар бир кластер таркибида “Инновацион ишланмалар ва янги бизнес ғояларини жорий этиш” марказларни (лабораториясини) шакллантириб, кластернинг ихтисослашуви-дан келиб чиқиб етакчи университетлар ва илмий-тадқиқот институтларини уларга бириктириш, илмий-инновацион марказлар, венчур фондлар ва компаниялар билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

References:

1. <https://president.uz/uz/lists/view/3889>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони. www.lex.uz.
3. Porter M.E. Clusters and the New Economics of Competition // Harvard Business Review. – Cambridge, 1998. – Vol. 76, № 6. – P. 77.



4. A Practical Guide to Cluster Development: A Report to the Department of Trade and Industry and the English RDAs by Ecotec Research & Consulting. – London: Department of Trade and Industry, 2004. <http://www.dti.gov.uk/files/file14008.pdf>.
5. Марков Л.С. Теоретико-методологические основы кластерного подхода. Монография. – Новосибирск: ИЭОПП СО РАН, 2015. – с. 6.
6. Зубова Т.А. Управление развитием региональных агропромышленных кластеров. Автореферат дисс. на соиск. учёной степени к.э.н. Воронеж-2018.
7. Настин А.А. Формирование агропромышленного кластера в регионе. Автореферат дисс. на соиск. учёной степени к.э.н. Москва-2013.
8. Porter, M. (1998). Clusters and the New Economics of Competition. Harvard Business Review. <http://hbr.org/product/clusters-and-the-new-economics-of-competition/an/98609-PDF-ENG>.
9. Eva Gálvez-Nogales. Agro-based clusters in developing countries: staying competitive in a globalized economy. FAO of the United Nations. Rome, Italy, 2010. P. 4.
10. Götz M. The Industry 4.0 Induced Agility and New Skills in Clusters. Foresight and STI Governance, vol. 13, no 2, pp. 72–83. DOI: 10.17323/2500-2597.2019.2.P. 72-83.
11. Щукина Л.В. Агрокластеры как инструмент обеспечения устойчивого инновационного развития сельского хозяйства региона // Вестник ГГТУ им. П.О. Сухого: научно - практический журнал. - 2014. - № 3. - С.97-104
12. Петухов Н.А. Региональные инновационные системы: проблемы кластерного развития / Н.А. Петухов // Управление инновациями и стратегия инновационного развития России. – Москва, 2007. – С. 91 – 98. www.eg-online.ru/article/404193.
13. Солиев А., Кодиров Х. Кластеризация экономики - важнейший фактор стратегического планирования. Иқтисодиёт: таҳлиллар ва прогнозлар. Тошкент-2019., №1. 104-108 б.
14. Скворцов Е.Н. Формирование организационной структуры управления промышленным кластером. Дисс. на соиск. учен. степ. к.э.н. по спец. 08.00.05 – Экономика и управление народным хозяйством (промышленность). Саранск-2016. – С. 23-24.
15. Е.Куценко, С.Артемов и др. Агропромышленные кластеры: зарубежный опыт и российские практики. Российская кластерная обсерватория ИСИЭЗ ВШЭ. Москва-2017
16. Dalum B., Pedersen C., Villumsen G. Technological Life-Cycles: Regional Clusters Facing Disruption. Department of Business Studies, Aalborg University, Aalborg Oe, Denmark. <https://www.researchgate.net/publication/4899992>.
17. Markusen, A. 1996, Sticky places in slippery space: a typology of industrial districts, Economic Geography, Vol. 72(3), pp. 293–313.